

БАНА АХБОРОТНО МАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 34 (1109), 2017 йил 24 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

Хусусий тadbиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратиш, тadbиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш ва республика банк-молия тизими фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) давлат муассасаси шаклида ташкил этилсин ва кичик тadbиркорлик субъектларига қуйидаги шаклда молиявий ёрдам кўрсатиш унинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

а) кичик тadbиркорлик

субъектларига мазкур қарорда қайд этилган мақсадларга кредит ажратиш учун тижорат банкларига, жумладан, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобидан ресурслар ажратиш;

б) кичик тadbиркорлик субъектларига тижорат банклари кредит миқдорининг 50 фоизигача, аммо 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган ёки унга эквивалент ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиш;

в) тижорат банкларининг қиймати 1 миллион АҚШ долларида ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича физ харажатларини қоплаш учун қуйидаги эквивалентда компенсация бериш:

миллий валютада – қайта молиялаштириш ставкасида ошмайдиган фоиз ставкасида – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 40 фоизигача бўлган миқдорда;

хорижий валютада – тижорат

банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Жамғарма бош битимлари асосида тижорат банклари орқали миллий ва хорижий валютада кичик тadbиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлайди ва тижорат банкларига ресурсларни тақдим этади.

2. Қуйидагилар Жамғарма ресурс базасининг манбалари этиб белгилансин:

Тошкент шаҳридаги Кичик саноат зоналари кафолат жамғармасини ва Кичик тadbиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини кейинчалик тугатиш ва уларнинг тегишли равишда 50 миллион доллар ҳамда 100 миллиард сўм миқдордаги пул маблағлари шаклида ушбу қарорнинг 1-илоvasида қайд этилган ташкилотлар бадаллари ҳисобидан шакллантириладиган Жамғарманинг бошланғич бадалаи;

(Давоми 2-бетда).

Янги банк бугунги стратегик вазифаларга камарбаста

Ҳозирги кунда мамлакатимизда жами 28 та тижорат банки мавжуд бўлиб, улар орасида давлат улуши мавжуд акциядорлик тижорат шаклидаги кредит ташкилотлари, гарчи молия бозоридаги барча йўналишлар бўйича универсал тарзда хизмат кўрсатиш ваколатига эга бўлсалар-да, маълум стратегик вазифаларни амалга оширишга масъул ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ иқтисодиётимизнинг йirik саноат тармоқларини модернизациялаш ва ривожлантиришга, «Ипотека-банк» АТИБ ва «Қишлоқ қурилиш

банк» АТБ уй-жой фондиди шакллантириш ҳамда шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини обод этишга, АТ «Алоқабанк» ахборот-коммуникация соҳасини тараққий эттиришга улкан ҳиссаларини кўшиб келмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Банк ходимларининг маънавий-маърифий камолоти сари

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорлигида «Тинчлик ва осойишталик учун барчамиз масъулмиз» мавзуда семинар ўтказилди.

Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими Шавкат Ҳамдамов, банк раҳбар ходимлари ва мутахассислари иштирок этди.

Семинарда диний таълимни ривожлантиришда амалга ошириладиган ишлар, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли ёт гоғлар, айниқса, «оммавий маданият», диний экстремизм ва терроризм каби иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгига халқимиз менталитети ва турмуш тарзига мутлақо бегона бўлган деструктив гоғларни синдиришга қаратилган интилишларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиладигани таъкидланди.

(Давоми 4-бетда).

Уй, машина, техник жиҳозлар – «Ипотека-банк»да

Яна сизга нима керак? Бунинг ҳаммаси «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг биргина омонат пул маблағлари ҳисобига мужассам бўлди. Қандай дейсизми? Келинг, бошидан бошлайлик.



Бугун «Ипотека-банк» АТИБ мижозларни жалб қилиш ва улар ишончини қозонишда анча илгор ҳисобланади. Айниқса, янги-янги гоғлар асосидаги ишлари банк мижозларининг сони янада ортишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни уйлари қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра, мамлакатимиз шаҳарларида қуриладиган кўп

қаватли арзон квартираларни сотиб олиш учун бошланғич бадал суммасини шакллантиришда аҳолига янада қулайликлар ва имкониятлар яратиш ҳамда бошланғич бадал маблағлари тезкорлик билан жамланишини ташкил этиш мақсадида «Ипотека-банк» томонидан аҳолига манфаатли бўлган янги «Имконият» ютуқли омонати жорий қилиниб, мазкур омонатга пул маблағлари жорий йилнинг 10 январидан бошлаб қабул қилинмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 22 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиласин**)

1 Австралия доллари	3311,97	1 Канада доллари	3319,82	1 Норвегия кронаси	527,59	1 евро	4927,15
1 Англия фунт стерлинги	5381,37	1 Хитой юани	626,77	1 Польша злотийси	1148,76	10 Жанубий Корея вони	36,74
1 Дания кронаси	660,40	1 Қўвайт динори	13873,96	1 Сингапур доллари	3068,91	10 Япония иенаси	382,78
1 БАА дирҳами	1138,66	1 Россия рубли	70,46	1 СДР	5892,99		
1 АҚШ доллари	4182,30	1 Украина гривнаси	164,07	1 Туркия лираси	1189,84		
1 Миср фунти	236,02	100 Ливан фунти	278,08	1 Швейцария кронаси	515,16		
1 Исландия кронаси	39,53	1 Малайзия рингити	975,81	1 Швейцария франки	4329,06		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: 1 USD ▲ 4182,30 – (4154,36) | 1 EUR ▲ 4927,15 – (4895,49) | 1 GBP ▼ 5381,37 – (5401,09) | 10 JPY ▲ 382,78 – (379,19)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йили тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари, 2017 йилда Жамғарма ресурс базасини шакллантириш учун – 100 миллиард сўм;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик соф даромадининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

Жамғарманинг, жумладан, депозитларни жойлаштириш, кафолатлар беришдан тушадиган даромадлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғарма ресурс базасини тўлдирish учун ҳар йили маблағ ажратишни кўзда тутсин.

3. Белгилансинки, Жамғарма тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафолат ва компенсациялар, шунингдек, тижорат банкларига қуйидаги соҳаларда лойиҳалар амалга оширилишини молиялаштириш учун ресурслар тақдим этади:

қишлоқ хўжалигида, биринчи навбатда, энергия самарадорлиги юқори замонавий иссиқхоналар қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, кўнчилик, асаларчилик, узумчилик ва боғдорчиликни, шу жумладан, интенсив боғларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида – мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича инфратузилма ва ушбу маҳсулотларни транспортировка қилиш билан боғлиқ логистика марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар;

кўп квартиралы уйларда умумий фойдаланиладиган жойларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари томонидан ободонлаштириш ва таъмирлаш лойиҳалари;

тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган бошқа йўналишларидаги лойиҳалар.

4. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг бўшқариш таркиби (кейинги ўринларда Жамғармани бошқариш бўйича кенгаш) 2-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ижроия дирекцияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Жамғармани бошқариш бўйича кенгашга, зарур ҳолларда, Жамғарма ижроия дирекцияси тузилмасига бошқарув ходимлари умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Жамғарма ижрочи директори макомига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

6. Жамғарма барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин ва бўшаган маблағлар унинг ресурс ҳамда моддий-техника ба-

засини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирилсин.

7. Жамғармани бошқариш бўйича кенгаш 2018 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тармоқлар ва тадбиркорлик фаолияти йўналишларини янада кенгайтириш, шунингдек, Жамғарма маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватланадиган лойиҳаларни амалга оширишга доир таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этган ҳолда, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ушбу қарор мақсад ва вазифаларни аҳоли ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида мунтазам ва ҳар томонлама тизимли асосда ёритишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А.Қўчқоров, Марказий банк раиси М.Б.Нурмуротов, Савдо-саноат палатаси раиси А.И.Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2017 йил 17 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига шарҳ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда хусусий мулк манфаатларини ишончли химоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай имкониятлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам хусусий тадбиркорликни, авваламбор, микрофирма ва кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган.

Қарор асосида ташкил этилаётган Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча мақсадда қатор вазифалар юклатилмоқда.

Жумладан, тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун миллий ва хорижий валютада, хорижий кредит линияларини жалб

қилиш ҳисобидан ресурслар тақдим этилади.

Жамғарманинг тижорат банклари томонидан берилаётган кредит миқдорининг 50 фоизигача (кредит миқдори 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган тақдирда) ёки унга эквивалент ҳажмдаги маблағни ташкил этади. Ушбу маблағ миқдорини беш баробар кўпайтириш, шубҳасиз, тижорат банклари кредитларини жалб этган ҳолда йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида қўшимча имкониятлар яратади.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда амалдаги таъминотнинг чекланган миқдори 100 минг АҚШ долларига тенг ҳажмдаги маблағни ташкил этади. Ушбу маблағ миқдорини беш баробар кўпайтириш, шубҳасиз, тижорат банклари кредитларини жалб этган ҳолда йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида қўшимча имкониятлар яратади.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафолат ва компенсациялар, тижорат банкларига эса қуйидаги йўналишдаги лойиҳалар бўйича кредит ажратиш учун ресурслар тақдим этади:

қишлоқ хўжалиги соҳасида, биринчи навбатда, энергия тежамкорлиги юқори замонавий иссиқхоналар қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, кўнчилик, асаларчилик, узумчилик ва боғдорчиликни, шу жумладан, интенсив боғларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида – мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича инфратузилма ва ушбу маҳсулотларни транспортировка қилиш билан боғлиқ логистика марказларини ташкил этиш;

кўп қаватли уйлар атрофидаги умумий фойдаланишга мўлжалланган жойларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари томонидан ободонлаштириш ва таъмирлаш;

тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган бошқа йўналишлари учун.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ишончли ресурс базасини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмини яратиш мақсадида қарорда Тошкент шаҳридаги Кичик саноат зоналари кафолат жамғармаси ва Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини тугатиш, уларга тегишли бўлган 50 миллион АҚШ доллари ва 100 миллиард сўм миқдоридagi маблағларини янги-

дан тузилаётган жамғарма ҳисобига ўтказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, қарорда давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йили тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари (2017 йилда – 100 миллиард сўм), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳамда Жамғарманинг депозитларни жойлаштириш, кафолатлар беришдан тушадиган даромадлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар Жамғарма ресурсларининг қўшимча манбалари сифатида белгилансин.

Қабул қилинган ушбу қарор республика банк-молия тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий химоя қилиш ва кафолатларини таъминлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ҳаёт даражасини оширишга хизмат қилади.

Ў.А.

Янги банк бугунги стратегик вази­фаларга камарбаста

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг жорий йил 24 январдаги ПҚ-2740-сонли Қарори билан «Ўзга­роэкспортбанк» акциядорлик тижорат банки ўз номига биноан агросаноат мах­сулотлари, энг аввало мева-саб­завот мах­сулотлари етиштириш ва экспорт қилишни ҳамда тегишли инфратузилмани ривож­лан­тириш бўйича инвестиция лойи­ҳаларини устувор даражада мо­лия­лаштириш, бу борада жи­смоний ва юридик шахсларнинг маб­лағларини жалб этиш, агросаноат тармоғидаги ташкилотлар ва унинг инфратузилмасига комплекс равишда кредит-хисоб-китоб хизматлари кўрсатиш мақса­дида ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқару­вининг шу йил 2 июлдаги 83-сонли банк фаолияти­ни амалга ошириш учун берилган лицензияси асосида ўз фаолиятини тўлиқ бошлади.



Муассаса агросаноат тармоғи ташкилотларини молиялаштириш учун хорижий инвесторлар, халқаро молия институтлари, чет эл банкларининг маб­лағларини жалб этиб, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривож­лан­тиради, комплекс тарзда маркетинг тах­ли­лини ташкил этиб, халқаро бозорларнинг ҳолати ва уларнинг ривож­ла­ниш истиқболлари ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт им­кониятлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот банк­ни шак­лан­тирган ҳолда Ўзбекистоннинг экспорт им­кониятларини ахборот ёрдамида фаол ёрити­ди.

Жумладан, хорижий банклар, халқаро ташкилотлар, дипломатик ва савдо ваколатхоналари билан фаол ҳам­кор­ликни амалга ошириш, халқаро реклама-савдо ахборот тар­моқ­ларига тизимли қириб бориш йўли билан агросаноат мах­су­лотлари, энг аввало мева-саб­завот мах­су­лотини халқаро бозорларга олиб чиқиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқишда ўз мижозларига кўмаклашади.

«Ўзга­роэкспортбанк» АТБнинг бошланғич устав капитали 10,0 млн. евро эквивалентида шакл­лан­тирилди. Қарорда бел­гиланганидек, Ўзбекистоннинг резидентлари ва норезидентлари, шу жумладан, халқаро молия институтлари банк акциядор­лари бўлиши мумкин.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо ва­зир­ли­ги ва Ташқи ишлар ва­зир­ли­ги ма­з­кур банкнинг акциядор­лари сифатида жаҳонга машҳур соҳа компаниялари ва банк­лар­ни, шунингдек, халқаро молия институтларини жалб этишга, агросаноат тармоғи инвестиция лойи­ҳаларини молиялаштиришга халқаро молия институтлари ва чет эл тижорат банк­лар­нинг маб­лағларини жалб этиш бўйича ишларни тизимли ташкил қилишга яқиндан ёрдам беради.

2020 йилнинг 1 январига қадар «Ўзга­роэкспортбанк» АТБ устав капиталига 15 фоиздан кам бўлмаган улуш билан стратегик хорижий инвесторни жалб этиш кўзда тутилган.

Бу эса, ўз навбатида, экспорт қилувчи ташкилотларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, мева-саб­завот мах­су­лотларини экспортга йўналтириш им­кониятларининг самарали ва барқарор ривож­ла­ни­шини таъминлаш, агросаноат мах­су­лотлари ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга кенг қўламдаги банк-молия хизматларини кўрсатиш им­кон­и­я­ти беради.

Айни пайтда ушбу банкда кредит-хисоб-китоб хизматлари кўрсатиш намунаси олиб борилмоқда. Банк жамоаси молия бозорининг бошқа хизматларини ўзлаштириш, янги хизмат­ларини жорий этиш, инфратузилмавий жиҳатдан ривож­ла­нишга қаратилган изчил чора-тадбирларни олиб бормоқда.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзга­роэкспортбанк» АТБ ва унинг филиаллари давлат рўй­ҳа­ти­га олинган санадан бошлаб 5 йил муддатга барча турдаги солиқлар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган. Бу билан ушбу давр мобайнида банк ўзининг бозордаги мавқеини мустақамлаб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривож­ла­ни­шига муносиб ҳисса қўшиши мақсад қилинган.

Эъзоз КАМОЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия ва­зир­ли­ги­да 2017 йил 24 июль кун­и 2707-1-сон билан давлат рўй­ҳа­ти­дан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»-ги ва 2017 йил 12 апрелдаги УРҚ-428-сон «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-5022-сон «Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раиси
Тошкент ш.,
2017 йил 24 июль, 14/15-сон

тўғрисида»ги Фармони­га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/16-сонли қарори (рўйхат рақами 2707, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2017 йил 24 июндаги 14/15-сонли қарорига
ИЛОВА

Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«кредитлар, юридик шахс устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига киритилган инвестициялар, берилган кафолатлар ва улар бўйича тўлаб берилиб, ундирланган маб­лағлар, қабул қилинган кафолатлар (кафилликлар), босқичма-босқич тўлаш шарти билан сотилган активлар, акцептлар ёки ак­кредитивлар, лизинг, қимматли қоғозлар ва чет эл валютасини сотиб олиш бўйича ҳар қандай ҳуқуқий асосланган мажбуриятнома, факторинг, репо, своп ҳамда хисобланган фоизлар ва балансдан ташқари моддаларда акс эттирилган мажбуриятлар».

2. 8-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони­га мувофиқ банкларга танлов савдоларида мулк сифатида сотилган ишлаб чиқариш корхоналари мулкни негизда тузилган корхоналарга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли фармойи­ши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни танлов савдоларида банкларга ре­али­зация қилиш тартибига мувофиқ иқтисодий судларнинг қарорларига кўра тугатиш қиймати бўйича банклар балансига қабул қилинган корхоналар мулкни негизда тузилган янги корхона­ларга берилган кредитлар».

Уй, машина, техник жиҳозлар – «Ипотека-банк»да

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқароларимиз «Им­ко­ни­ят» жамғарма ютуқли омонати­га пул қўйиш орқали ўз пул маб­лағларини жамғариб бо­ришлари, шунингдек, янги уйни ипотека кредитлари асосида сотиб олиш бўйича маҳаллий ҳокимиятнинг те­ги­шли қароридан сўнг ма­з­кур омонатда жамғарган пул маб­лағларини мамлакатимиз­да қурилаётган арзон кўп қаватли уйларнинг бошланғич бадал маб­лағларини шак­лан­тириш учун йўналтириш им­ко­ни­я­тига эгалар.

– Мазкур омонатни жорий қилишда аҳолининг моддий манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратилган, – дейди банкнинг Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривож­лан­ти­риш бошқармаси бошлиғи Исмоил Туропов. – Хусусан, «Им­ко­ни­ят» жамғарма омонати ютуқли кўринишда жорий қилинган. Ютуқли ти­ра­жида жами 490 та ютуқ қўйилган, булар: музлаткич, кир ювиш машинаси, конди-

ционер, телевизор каби уй жиҳозларидир. Бош соврин сифатида 14 та Спарк авто­моби­ли ўйналади. Ютуқлар ти­ра­жи мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида алоҳида омонатчилар иштирокида жорий йилнинг 20-28 августига­ча ўтказилади. Мазкур омонатга бугунги кунга қадар 6192 та омонатчиларнинг 179,8 млрд. сўмдан ор­тиқ маб­лағлари жалб қилинди. Ютуқлар тиражидида иштирок этувчи ҳисобварақлар сони эса 5 535 та бўлиб, Тошкент шаҳри бўйича 2 283 тани таш­кил этди.

Мазкур тираж ўйинининг дастлабки босқичи пойтахтимиз­да­ги «Ипотека-банк» АТБ­нинг Меҳнат филиалида бў­либ ўтди. Қизғин, ҳаяжонларга бой ўтган ўйинда омонатчи­ларнинг ўзлари ҳам ишти­рок этди. Ютуқлар ўйналгани сари банк мижозларининг ҳаяжонлари ошиб борди. Шу кун­и 60 дан ор­тиқ ютуқ ўз эга­сини топди. Айниқса, Спарк авто­моби­ли го­либининг хур­сандчилиги чексиз эди.

– Голиб бўлман деб ҳеч ҳам ўйламагандим. Бундан жуда хурсандман, – дейди банкнинг Шайхонтоҳур Фи­ли­али мижози Фуломжон Зокиров. – Буни қарангки, янги хонадонга янги маши­на билан борамиз. Ҳаммага ҳам шундай қўшалоқ хур­сандчиликлар насиб этсин. Шундай омонатларни таш­кил этганларга раҳмат айтаман. Мижозларнинг бундай кўнглини оладиган лойиҳалари яна ҳам кў­пая­версин. Барча-барчаси учун «Ипотека-банк»дан миннатдорман.

Буни қарангки, бундай хур­сандчилик 28 августга қадар вилоятларимизда ҳам да­вом этиб, юзлаб банк омонатчилари ўз ютуқларига эга бўлса, яна 13 киши авто­мо­бил сотибга айланади. Шундай байрамона кунлар­да «Ипотека-банк»нинг юрт­дошларимизга янада байрам кайфиятини улаштириш улар­да шукроналик ва юртга меҳр туйғусини уйғотади.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

Банк ходимларининг маънавий-маърифий камолоти сари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мафкуравий таҳдидларга қарши гоёвий пухта курашиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди.

– Юрт тинчлиги ва осойишталиги учун барча фуқаролар масъулдир, – дея таъкидлади семинарда сўзга чиққан **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмида масъул ходими Шавкат Ҳамдамов**. – Айниқса, интернет тармоғи орқали диний-экстремистик оқим ва оммавий маданият тарғиботчилари томонидан олиб борилаётган мафкуравий хуружлардан ёшларимизни авайлаб-асрашимиз зарур. Зеро, ҳушёрлик ва огоҳлик давр талабидир.

Маърузанинг мантиқий давоми сифатида семинар иштирокчиларига диний-экстремистик ташиқлотлар

вакиллари томонидан Сурияга алдаб олиб кетилган ёшларнинг фожиали қисмати акс этган видео роликлар намойиш этилди.

Ҳар бир фуқаро мустақиллик қадрини, миллий мансублигини англаб етмаса, ундан ғурурланмаса, ифтихор ҳиссини туймаса, онгу тафаккури, жисму жонига сингиб кетган кўҳна қадриятлар, анъаналар, урф-одатларга қилинаётган хуружларга лоқайд қараса, у муқаррар четдан кириб келаётган сохта ва бузғунчи мафкураларнинг кўр-кўрона мутесига айланади ҳамда пировардида, миллий ўзлигини йўқотади.

Шу нуқтаи назардан, гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон амалга оширилаётган мафкуравий хуружларга бепарво бўлишга, ўзлигини йўқотишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ экани алоҳида эъ-



тироф этилди. Муқаддас динимиз софлигини асраш, ёшларни турли диний оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

«Трастбанк» ХАБда шунингдек, таниқли актёр, устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов иштирокида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни Банкнинг ходимлар билан ишлаш департаменти директори Қобилжон Жўраев олиб борар экан, мамлакатимизда театр ва кино санъатига бўлган эътибор, жамиятимиз ҳаётида маданият ва санъат соҳасининг ўрни, унинг аҳамияти тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

– Аслида актёр сифатида театрда шаклланганман, – дейди **Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов**. – Театрдаги 20 йиллик фаолиятимдан кейин, яъни 1988 йилда ушбу даргоҳдан кетдим. Бунга кино соҳасида ишларим кўпайиб кетгани сабаб бўлди. Орадаги танаффус эса театрдаги бугунги фаолиятимда яхши ёрдам беряпти. Нега деганда, театрда ишламаган йилларим бу соҳани четдан кузатиб, ўзимга керакли хулосалар чиқардим. Камчилик ва ютуқларимни таҳлил этишга ҳаракат қилдим. Театрни соғинганимни эса иш бошлагач англадим. Бугун театрда бор меҳримни беришга тайёрман. Барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалаётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, аҳоли турмуш даражаси ошиб бораётгани биз, ижод аҳлига янада илҳом бағишлайди.

Жасур МИРЗАЕВ.

Ёт ғояларга қарши биргаликда курашамиз!

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» бош офисида «Диний экстремизм ва фундаментализм – демократик тараққиётга таҳдид» мавзусида семинар ўтказилди.

Банкнинг бош офиси ҳамда Амалиёт бошқармаси ходимлари иштирокида ўтказилган семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмида масъул ходими Мирзаюсуф Мирисмоилов таклиф этилди.

М.Мирисмоилов ўз сўзида ислом динининг мазмун-моҳиятига тўхталиб, муқаддас ҳадиси шарифлардан мисоллар келтирди. Ислом динини ниқоб қилиб фаолият юритаётган турли хил ақидапараст оқимлар мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига салбий таъсир кўрсатишга, тинчлигига раҳна солишга ҳаракат қилаётгани билан слайдлар ва видеотасмалар билан намойиш этилди. Диний-экстремистик гуруҳларнинг ғайирли мақсадларини қандай йўллар билан синдиришга уриниши каби жиҳатлар атрофлича тушунтириб ўтилди. Семинарда банкнинг ёш ходимлари фаол иштирок этиб, ёт ғояларга қарши биргаликда курашиш бугунги даврнинг талаби эканини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Бекзод АКРОМОВ.

Реклама



XALQ BANKI



STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

**Халқаро рейтинг агентлиги
2017 йил август ойида**

**Ўзбекистон Республикаси
Акциядорлик тижорат Халқ банкнинг**

Халқаро кредит рейтингини

В / В

БАРҚАРОР

даражасида тасдиқлади.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 9 август куни 1831-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки публиксининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги Ф-4977-сонли «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги мажбурий иж-бюроси фаолияти самардорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси
Тошкент ш.,
2017 йил 18 июль,
17/1-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарушининг 2017 йил 18 июлдаги 17/1-сонли қарорига ИЛОВА

Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 327-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:
«327. Банк (банк филиали)нинг банкдан ташқарида жойлашган операция кассалари банк филиали жойлашган ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) доирасида очилиши мумкин. Ҳудудда филиали мавжуд бўлмаган банкларга банкдан ташқарида жойлашган операция касса ташкил этишга руҳсат этилмайди.
Банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар томонидан фақат аҳолидан коммунал тўловлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, жарималар, мажбурий ва ихтиёрий сугурта учун тўловлар, шунингдек, омонатларга кириш килиш учун ҳамда бошқа тўловларни амалга ошириш учун нақд пулда ёки банк пластик карточкаларидан терминал воситасида қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар орқали аҳолига уларнинг талабига мувофиқ омонатларидаги пул маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.
Банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар тушган нақд пул тушумларини инкассация хизмати орқали ҳар куни операция касса жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шахардаги тижорат банк (филиали) кассаларига топширишлари лозим. Операция касса жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шахарда тижорат банк (филиали) мавжуд бўлмаган тақдирда нақд пул тушумларини инкассация хизмати орқали ушбу ҳудуддаги бошқа тижорат банк (филиали)га топширади.
Бунда инкассация хизмати йўналишлари улар жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шахар ҳудудидан ташқари йўналишлар буйича белгиланишига руҳсат этилмайди.
Туманларга бўлинган шахар ҳудудидида фаолият юритаётган банклар (банк филиаллари) томонидан банкдан ташқарида жойлашган операция кассаларга тушган нақд пул тушумлари уларни ташкил этган банк (банк филиали) кассаларига инкассация хизмати орқали топширилиши мумкин.»

2. 38-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага киритилаётган ўзгартиришларга ИЛОВА
«Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага 38-ИЛОВА 179-шақт

Банкларнинг нақд пул ва бошқа қимматликларини инкассация қилиш учун берилган бир марталиқ ИШОНЧНОМА

<p>Республика Инкассация хизмати (бошқарма номи) Инкассация бўлими (бўлими номи) Инкассация бўлими — — - сонли ИШОНЧНОМА МИЛКИ Инкассаторлар бригадаси бошлиғи _____ га (Ф.И.Ш.)</p>	<p>Республика Инкассация хизмати 20 __ йил «__» _____ гача ҳақиқийдир ва у суратли гувоҳнома билан бирга курсатилиши шарт (бошқарма номи) _____ инкассация бошқармаси (бўлими номи) _____ инкассация бўлими _____ - сонли ИШОНЧНОМА Инкассаторлар бригадаси бошлиғи _____ га (Ф.И.Ш.)</p>
<p>Қилиб _____ дан қабул шаҳри (туман)даги _____ га етказиб бериш учун _____ сўм (сумма сўз билан ёзилади)</p>	<p>_____ сўм миқдордаги пул ва бошқа қимматликларни _____ дан олиб (банк номи) _____ шаҳри (туман)даги _____ (банк номи) _____ га етказиб учун берилади. Инкассаторлар бригадаси бошлиғининг шахсий имзоси _____ (имзо) Марказий банкнинг 20 __ йил «__» _____ даги _____ -сонли Ишончнома 20 __ йил «__» _____ даги _____ -сонли ҳақиқийдир _____ хизмат фармойиши асосида топширишни бажариш учун ваколат берилади.</p>

<p>Республика Инкассация хизмати (бошқарма номи) Инкассация бўлими (бўлими номи) Инкассация бўлими — — - сонли ИШОНЧНОМА МИЛКИ Инкассаторлар бригадаси бошлиғи _____ га (Ф.И.Ш.)</p>	<p>РЎЙХАТИ 1. _____ 2. _____ 3. _____ 4. _____ 5. _____ 6. _____ 7. _____ (Ф.И.Ш.)</p>
<p>Нақд пул ва бошқа қимматликларни кузатиб бериш учун тайинланган инкассаторлар гуруҳи таркибига киритилган инкассаторлар _____ РЎЙХАТИ 1. _____ 2. _____ 3. _____ 4. _____ 5. _____ 6. _____ 7. _____ (Ф.И.Ш.)</p>	<p>Ишончноманинг орқа тарафи) Нақд пул ва бошқа қимматликларни кузатиб бериш учун тайинланган инкассаторлар гуруҳи таркибига киритилган инкассаторлар _____ РЎЙХАТИ 1. _____ 2. _____ 3. _____ 4. _____ 5. _____ 6. _____ 7. _____ (Ф.И.Ш.)</p>
<p>Амалдаги йўриқномага мувофиқ, инкассаторлар тегишли ҳужжатларга имзо қўядилар. (бошқарма номи) _____ инкассация бошқармаси раҳбари _____ (имзо) _____ инкассация бошқармаси бош бухгалтери _____ (имзо) 20 __ йил «__» _____ М.У.</p>	<p>Ишончномани олдим _____ (имзо) _____ (ёруқ бошлиғи Ф.И.Ш.) 20 __ йил «__» _____ Раҳбар _____ (имзо) 20 __ йил «__» _____</p>

**Ўзбекистон Республикаси товар-хонаш ё биржаси
2017 йил 14 августдан 18 августгача бўлган
биржа нархлари котировкаси**

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Автобензин А-80	4 250 718	▼	-57 177	-1,3%
Автобензин А-91	6 065 010	▲	458 601	8,2%
Автобензин А-98	5 035 000	↔	0	0%
Азотли-олтингурт ўғит (қопда)	706 620	↔	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қопда)	998 005	↔	0	0%
Аммиакли селитра кальцийли (қопда)	795 306	▲	3 382	0,4%
Аммофос 46:10 (қадоқланмаган)	1 535 919	↔	0	0%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 086 229	▼	-321 738	-5,9%
Қурилиш битуми БН 90/10	4 672 849	▲	187 776	4,2%
Дизель ёқилғиси	5 960 327	▲	68 624	1,2%
Қурилишга оид оҳак 1-нав (қадоқланмаган)	273 000	↔	0	0%
Хлорланган калий (қопда)	708 360	↔	0	0%
Карбамид (қопда)	686 730	↔	0	0%
Квадрат 16 ст 3 СП	5 410 817	↔	0	0%
Техник керосин	5 644 075	▼	-197 137	-3,4%
Керамик ёғит К-0 75 15, 250x120x65 мм (дона)	430	↔	0	0%
Озик-овқат сирка кислотаси 70%	3 102 255	↔	0	0%
Қумоқланмаган омухта ем	2 710 000	↔	0	0%
Доира 100 ст 3 СП	2 549 104	▼	-1 188 946	-31,8%
Линт 1-нав тип Б (класс олий)	1 965 421	▼	-737 540	-27,3%
Линт 2-нав тип Б (класс олий)	1 667 399	▼	-812 600	-32,8%
Лист х.к 1,0X1250X2500 мм	7 300 000	↔	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	4 941 421	▼	-268 549	-5,2%
Индустриал мой И-50А (литр)	7 130	▼	-395	-5,2%
Мотор мойи Shell Helix HX 7 10W40 (дона)	197 000	↔	0	0%
Писта ёғи ПЭТ 0,935 гр (литр)	10 500	↔	0	0%
Рулонли гидроизоляцияцион том ёпиш материали (дона)	140 000	↔	0	0%
Мис ўрамаси	45 487 718	▼	-3 410 264	-7,0%
Бугдой уни 1-нав	890 214	▲	6 130	0,7%
Бугдой уни олий нав	1 284 950	▲	5 451	0,4%
Хўжалик совуни 70% (дона)	1 883	▼	-204	-9,8%
Натрий бикарбонат – ош содаси 1-нав (қопда)	2 879 761	▼	-19 504	-0,7%
Нефть парафини	6 500 000	↔	0	0%
Полипропилен FC-550 (SA) (АҚШ доллари)	1 025	↔	0	0%
Полиэтилен F-0120	10 360 493	▼	-222 198	-2,1%
Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда)	425 268	▼	-9 229	-2,1%
Сим 10 ст 45	5 755 999	↔	0	0%
Ем учун дон 3-класс	878 905	▼	-7 505	-0,8%
Ем учун дон 4-класс	813 803	▲	19 270	2,4%
Ем учун дон 5-класс	783 247	▲	40 032	5,4%
Шакар	4 319 910	↔	0	0%
Суолтирилган газ	1 774 438	▲	5 873	0,3%
Кальцийлаштирилган сода (қопда)	970 323	▲	1 874	0,2%
Алюминий қотишмалари АК7	12 815 365	↔	0	0%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 500 000	↔	450 000	6,4%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	36 601	▼	-10	-0,03%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	417 319	▲	10 801	2,7%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	5 673 000	↔	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	447 866	↔	0	0%
Труба 20x2,8 (метр)	11 790	▲	3	0,03%
Пўлат труба 114x3,5 ст 3 (метр)	64 408	↔	0	0%
Бурчак 30 ст 3 СП	5 055 200	↔	0	0%
Қўмир 2 БОМСШ-Б2 0-50	189 304	↔	0	0%
Швеллер 16	7 950 000	▲	150 000	1,9%
Пахта чигити шелухаси	497 474	▲	1 469	0,3%
Шифер 8 тўлқинли	31 721	▲	1 206	4,0%
Шрот (кунгабоқар)	1 250 000	▲	250 000	25,0%
Шрот (соя)	5 800 000	↔	0	0%
Пахта чигити шроти (кунжараси)	978 146	▼	-2 624	-0,3%
Арпа	608 537	↔	0	0%

* Маҳсулотлар котировкаси охири ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охири савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варагидан чиқарилади.

Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хонаш ё биржаси (www.uzex.uz) материаллари асосида тайёрланди.

**Ипак саноати учун
янги технологиялар**

Андижонда пилла етиштириш, пилла ва ипак толасини қайта ишлашга ихтисослашган «Andijon silk» корхонасини барпо этиш лойиҳаси ҳамда хорижий технология асосида яратилган янги тут нави тақдироти бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 мартдаги «Ўзбекистон ипаксаноати» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ипакчиликни ривожлантириш, аҳолининг табиий матоларга бўлган эҳтиёжини қондириш, бундай маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириш, унинг экспортни кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида бўш турган биноларда янги корхоналар ташкил этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида билдирган таклифидан келиб чиқиб, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ташаббуси билан «Andijon silk» масъуляти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ва Хитойнинг «Tongxing Juncheng» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган пиллани қайта ишлашга ихтисослашган «Andijon silk» корхонаси қурилиши лойиҳаси ва унинг доирасида амалга ошириладиган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

2017-2021 йилларда амалга ошириладиган мазкур лойиҳа доирасида 6 млн. доллар миқдорда инвестиция киритиш шarti билан Андижон туманидаги «Оқёр-XXI аср» масъуляти чекланган жамияти ҳудудидан 2,5 гектар ер ва фойдаланилмай турган бинолар ноль қийматда ажратиб берилди.

Келгуси йилнинг бошида ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу корхона тасарруфида тут плантациялари, шунингдек, замонавий ва илғор хорижий технологиялар асосида маҳсурут боқиш, пиллани қайта ишлаш, ипак ўраш, ипак хонаш ё ишлаб чиқариш, ипак

эшиш ва тикув цехлари барпо этилади. Яъни шу ернинг ўзида момиқдан кўрпа, тушак, ёстиқ, ипакдан турли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. Корхона тўла қувват билан иш бошлагач, қарийб мингта янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, дастлабки йили 3,5 млн. доллар, 2021 йилга бориб 12 млн. доллар қийматдаги маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Фермерлар, пиллачилик соҳаси мутахассислари, қурувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари ва хитойлик ҳамкорлар қатнашган тадбирда нурунийлар дуоси билан рамзий қозик қоқилиб, қурилиш ишлари бошланди. Йил охирига қадар корхонанинг биринчи линияси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Тадбир иштирокчилари Марҳамат туманидаги «Ипак» фермер хўжалигида янги тут навидан барпо этилган плантацияларда бўлиб, маҳаллий иқлим шароитига мос, серҳосил ва тўйимли янги нав билан танишдилар.

– «Ўзбекистон дуррагайи» деб номланган ушбу янги нав кўп йиллик илмий ва амалий ишларимиз самарасидир, – дейди «Ипак» фермер хўжалиги раҳбари Абдулатто Мусурмонқулов. – Маҳаллий шароитга мос, тўйимли ушбу тут мавжуд навларга нисбатан ўн баробар кўп ҳосил беради.

Тадбирда ипак курти озуқаси бўлган тутчиликни ривожлантириш, йилгига икки марта ҳосил олиш имконини берувчи янги навлар асосида барпо этилаётган тут плантацияларини кенгайтириш, бу борадаги илғор технологиялар ва иш тажрибасини омалаштириш, умуман, пиллачилик соҳаси ривожини янада қўри босқичга кўтариш юзасидан фикр алмашилди. Хитойлик мутахассислар ўз тавсияларини сўзлаб бердилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

ЎЗА материали асосида.

РФБ нархлари индекси

Сана	Нарх	Ўзгариш	ҚҚ сони (бирликда)	Савдолар ҳажми (сўмда)
UCI				
21.08.2017	1 002,71	0	6 120	44 784 030
18.08.2017	1 002,71		1 105	5 490 000
17.08.2017	1 002,71	▲ 0,56	21 827	177 482 370
16.08.2017	1 002,15	▼ -0,27	366 233	527 941 980
15.08.2017	1 002,42	▼ -0,35	1 110 376	1 015 423 694
14.08.2017	1 002,77	0	25 484	25 738 840
11.08.2017	1 002,77	0	1 509 435	1 596 795 000
10.08.2017	1 002,77	0	83 286	3 640 560
09.08.2017	1 002,77	▲ 2,22	24 474	881 064 000
08.08.2017	1 000,55	0	2 800	2 828 000
Молия сектори				
21.08.2017	977,09	0	0	0
18.08.2017	977,09	0	0	0
17.08.2017	977,09	0	0	0
16.08.2017	977,09	0	351 953	511 953 000
15.08.2017	977,09	▼ -0,69	1 095 896	1 000 405 769
14.08.2017	977,78	0	0	0
11.08.2017	977,78	0	1 506 405	1 506 405 000
10.08.2017	977,78	0	0	0
09.08.2017	977,78	0	0	0
08.08.2017	977,78	0	0	0
Саноат				
21.08.2017	1 034,40	0	70	1 750 000
18.08.2017	1 034,40	0	980	490 000
17.08.2017	1 034,40	0	0	0
16.08.2017	1 034,40	0	230	937 480
15.08.2017	1 034,40	0	0	0
14.08.2017	1 034,40	0	0	0
11.08.2017	1 034,40	0	30	390 000
10.08.2017	1 034,40	0	79 800	119 700
09.08.2017	1 034,40	0	0	0
08.08.2017	1 034,40	0	0	0
Қурилиш сектори				
21.08.2017	924,16	0	0	0
18.08.2017	924,16	0	0	0
17.08.2017	924,16	0	0	0
16.08.2017	924,16	▼ -2,58	2 050	2 931 500
15.08.2017	926,74	0	925	1 327 375
14.08.2017	926,74	0	0	0
11.08.2017	926,74	0	0	0
10.08.2017	926,74	0	0	0
09.08.2017	926,74	0	0	0
08.08.2017	926,74	0	0	0
Агросаноат мажмуаси				
21.08.2017	1 373,49	0	0	0
18.08.2017	1 373,49	0	0	0
17.08.2017	1 373,49	0	0	0
16.08.2017	1 373,49	0	0	0
15.08.2017	1 373,49	0	0	0
14.08.2017	1 373,49	0	0	0
11.08.2017	1 373,49	0	0	0
10.08.2017	1 373,49	0	0	0
09.08.2017	1 373,49	▲ 81,96	24 474	881 064 000
08.08.2017	1 291,53	0	0	0
Ижтимоий соҳа				
21.08.2017	1 062,10	0	5 103	5 154 030
18.08.2017	1 062,10	0	0	0
17.08.2017	1 062,10	0	4 537	4 582 370
16.08.2017	1 062,10	0	12 000	12 120 000
15.08.2017	1 062,10	0	13 555	13 690 550
14.08.2017	1 062,10	0	25 484	25 738 840
11.08.2017	1 062,10	0	0	0
10.08.2017	1 062,10	0	3 486	3 520 860
09.08.2017	1 062,10	0	0	0
08.08.2017	1 062,10	0	2 800	2 828 000
Бошқа соҳалар				
21.08.2017	1 445,73	0	947	37 880 000
18.08.2017	1 445,73	0	125	5 000 000
17.08.2017	1 445,73	▲ 13,30	17 290	172 900 000
16.08.2017	1 432,43	0	0	0
15.08.2017	1 432,43	0	0	0
14.08.2017	1 432,43	0	0	0
11.08.2017	1 432,43	0	3 000	90 000 000
10.08.2017	1 432,43	0	0	0
09.08.2017	1 432,43	0	0	0
08.08.2017	1 432,43	0	0	0

РФБ савдолари якуни

Сана	Эмитент	Май-дон	Савдо нархи	ҚҚ сони	Савдолар ҳажми (сўмда)
18.08.2017	«Шифобахш булоқ» АЖ	G1	40 000	125	5 000 000
18.08.2017	«Шифобахш булоқ» АЖ	G1	40 000	39	1 560 000
18.08.2017	«Бектемир-спирт экспериментал заводи» ИИ АЖ	NC	500	980	490 000
18.08.2017	«Олмалик ТМК» АЖ	G1	4 500	25	112 500
21.08.2017	«Шифобахш булоқ» АЖ	G1	40 000	947	37 880 000
21.08.2017	«Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ	NC	25 000	35	875 000
21.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	1 713	1 730 130
21.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	446	450 460
21.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	1 302	1 315 020
21.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
21.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	500	505 000
21.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
21.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	242	244 420
21.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
21.08.2017	«Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ	NC	25 000	35	875 000

САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

№ БИ -	Эмитент	Савдолар ҳажми (сўмда)
№ БИ - 00443	«Kapital-Depozit» МЧЖ	5 820 471 000
№ БИ - 00454	«Portfolio Investments» МЧЖ	1 381 749 892
№ БИ - 00439	«ТашИнвестКом» ХК	881 737 400
№ БИ - 00450	«BBD» МЧЖ	300 000 000
№ БИ - 00444	«Ishonch LTD» МЧЖ	272 626 220
№ БИ - 00472	«NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ	92 931 500
№ БИ - 00455	«Universal Depozit» МЧЖ	15 290 250
№ БИ - 00447	«Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI» АЖ	8 101 362
№ БИ - 00445	«Qoraqalpog'iston VAKT» МЧЖ	4 001 400
№ БИ - 00469	«ANDIJONVAQT» МЧЖ	3 749 920

БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

№ БИ -	Эмитент	Битимлар сони (бирликда)
№ БИ - 00444	«Ishonch LTD» МЧЖ	109
№ БИ - 00454	«Portfolio Investments» МЧЖ	106
№ БИ - 00447	«Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI» АЖ	27
№ БИ - 00443	«Kapital-Depozit» МЧЖ	16
№ БИ - 00439	«ТашИнвестКом» ХК	6
№ БИ - 00450	«BBD» МЧЖ	5
№ БИ - 00469	«ANDIJONVAQT» МЧЖ	4
№ БИ - 00382	«DALAL STANDARD» МЧЖ	3
№ БИ - 00460	«TAT REESTR» МЧЖ	2
№ БИ - 00472	«NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ	2

БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

Эмитент	Номинал қиймати (сўмда)	Савдолар ҳажми (сўмда)
«Туркистон» ХАТБ	1 000	2 909 288 000
«Гулистон Экстракт-Еф» АЖ	1 999	881 064 000
«Кўқон Еф-Мой» АЖ	3 970	683 788 200
«Универсал банк» ХАТБ	5000	200 000 000
«Гранит» АЖ	2 179	180 570 000
«Ипак йўли» АИТБ	10	100 000 000
«Олчазор Азия» АЖ	5 000	90 000 000
«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	1 000,00	77 638 700
«Шифобахш булоқ» АЖ	747	42 880 000
«Гранит» АЖ	2 178,57	22 490 000

БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

Эмитент	Номинал қиймати (сўмда)	Битимлар сони (бирликда)
«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	1 000	48
«Гранит» АЖ	2 179	23
«Олмалик ТМК» АЖ	3 914,00	19
«Гранит» АЖ	2 178,57	14
«Туркистон» ХАТБ	1000	5
«Анджон биокимё заводи» АЖ	4 076	4
«Универсал банк» ХАТБ	5 000	3
«Қизилкумцемент» АЖ	1 570	2
«Ипотека-банк» АТИБ	1	2
«Электрқишлоққурилиш» АЖ	5 000	2